

Elim deb, yurtim deb уониб yashash kerak!

Turkiston

1925-yildan chiqa
boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati
Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2013-yil 20-noyabr, chorshanba
№ 90 (15728)

ФОРУМ етакчиларни бирлаштируди

«Kamolot» loyihalari

*Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида жойлашган
«Камолот» ёшлар оромгоҳида Ҳаракатнинг корхона,
ташкилот ва муассасалардаги бошлангич ташкилотлари
етакчиларининг республика форуми якунланди.*



Сардор Муллажонов фотоколлажи

Yoshlarga oid davlat siyosati — amalda

АНДИЖОНДА ЁШЛАР ФЕСТИВАЛИ

Андижонда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ташаббуси билан олий ўкув юртлари ва касб-хунар коллежлари талаба-ўкувчилари иштирокида «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» шиори остида фестиваль бўлиб ўтди.

Тадбир Андижон давлат тиббиёт институтида мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганинг 21 йиллигига бағишинган «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — мамлакат тараққиёти ва жамият фаровонлигининг ҳукукий кафолати» мавзусидаги илмий-амалий анжуман билан бошланди. Анжуманда Бош қомиссиизинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти хусусида сўз юритилди.

Фестивалнинг иккинчи куни фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди биносида ёшларни суд-ҳукуқ, ижро этувчи тизимлар фаолияти

билан яқиндан таништириш, уларнинг ҳукукий билимини юксалтириш мақсадида давра сухбати ўтказилди. Андижон қишлоқ ҳужалиги институтида ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, улар орасида ОИВ/ОИТС, гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, тамаки чекиш каби иллатларнинг олдини олишга қаратилган «Биз — соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз» акцияси ташкил этилди. Акция давомида малакали мутахассислар, таникли спортчилар иштирокида ўтказилган учрашувлар ёшларда катта таассурот қолди.

Фестиваль тадбирлари таникли санъаткорлар иштирокидаги ёшлар шоуси билан якунланди.

Фестивалда Андижон вилояти ҳокими Ш.Абдураҳмонов сўзга чиқди.

**Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ,
ЎЗА мухбери**

— Президентимиз раҳнамолигида ёшларга кўрсатилаётган улкан эътибор ва замонийлик ўз сармаларини бераётir, — дейди «Камолот» ЁИХ вилоят кенгаши раиси Нодирахон Абдураҳмонова. — Фестиваль доирасида бир қатор тадбирлар, танлов ва спорт мусобақалари ўтказилди. Айниқса, Андижон давлат университетида «Соғлом авлод — келажак пойдевори» шиори остида бўлиб ўтган футбол, баскетбол ва волейбол мусобақалари ёшларда катта таассурот қолди.

— Президентимиз раҳнамолигида ёшларга кўрсатилаётган улкан эътибор ва замонийлик ўз сармаларини бераётir, — дейди «Камолот» ЁИХ вилоят кенгаши раиси Нодирахон Абдураҳмонова. — Фестиваль доирасида бир қатор тадбирлар, танлов ва спорт мусобақалари ўтказилди. Айниқса, Андижон давлат университетида «Соғлом авлод — келажак пойдевори» шиори остида бўлиб ўтган футбол, баскетбол ва волейбол мусобақалари ёшларда катта таассурот қолди. Мехнат жамоаларидағи фаол ва ташаббускор, илгор фикрлайдиган ва янгиликларга интилувчан, ўз вазифасига масъулият билан ёндашувчи фидойи ёшлар — «Камолот» ЁИХ етакчиларини аниқлаш, тажрибасини ўрганиш ҳамда рағбатлантириш мақсадида Ҳаракат томонидан ҳар йили «Энг намунали бошлангич ташкилот» республика кўрик-тандови ўтказиб келинади. Жорий йилда танловнинг худудий босқичларида 840 нафарга яқин етакчи қатнашди. Танлов билан бир пайтда бошлангич ташкилотлар етакчилари учун ўкув семинарлари ҳам ташкил этилди. Бунда иштирокчилар Ҳаракат тизимида янгиликлар билан танишиб, бошлангич ташкилот хужжатларини юритиш, иш режа ҳамда янги лойиҳалар ишлаб чиқиши даир билимларини бойитдилар.

Айтиш керак, охирги йилларда «Камолот» ЁИХ тизимида қуий бўғинлар фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан қатор ўзгаришлар килинди. Жумладан, жорий йилда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати корхона, ташкилот ва муассасалардаги бошлангич ташкилотларининг янги низоми ҳамда ташкилий тузилмаси тасдиқланди. Шу аснода Ҳаракатнинг меҳнат жамоаларидаги бошлангич ташкилотлари фаолиятини яхшилаш, етакчи ва координаторларнинг мавқенини ошириш, энг намунали бошлангич ташкилотлар ва уларнинг етакчиларини рағбатлантиришга қаратилган механизм яратилди. Мехнат жойларда ишлайти ҳам. Мана, масалан, ўтган йилдан бошлаб «Энг намунали бошлангич ташкилот» кўрик-тандовининг финал босқичи «Камолот» ЁИХ корхона, ташкилот ва муассасалардаги бошлангич ташкилотлари етакчиларининг республика форуми доирасида ўтказилмоқда. Етакчилар форумининг ўзи эса Ҳаракат фаолиятидаги нисбатан янги тажрибадир. Шунга қарамай, у амалий жиҳатдан жуда фойдали ва самарали бўлиб чиқди. Бу йилги форум меҳнат жамоаларидаги бошлангич ташкилотлар етакчилари учун биринчиси бўлмаса-да, ўзига хослиги билан ажralиб туради.

(Давоми 5-саҳифада)

ЎЗБЕКИСТОН МАТБОУТИ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Тошкентда 19 ноябрь куни Ўзбекистон матбуоти III Миллий форуми бўлиб ўтди

Фуқаролик жамияти институтлари тизимида оммавий ахборот воситаларининг роли ва ўрнини оширишга бағишлиган ушбу анжуман Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини кўллаб-куватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси, Миллий демократик институт (АҚШ), ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ ваколатхоналари билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Форумда Олий Мажлис Конунчилик палатаси депутатлари, Сенати аъзолари, оммавий ахборот воситалари раҳбарлари, вазирлик ва идоралар ахборот хизматлари ходимлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, мамлакатимиздаги дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари, олимлар, эксперталар қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари У.Муҳаммадиев, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси раиси Х.Мирзоҳидов, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини кўллаб-куватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори А.Абдуллаев, ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари К.Пиккат, ЮНИСЕФ ваколатхонаси раҳбари Р.Фудерич ва бошқалар Президент Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларини изчил ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўлламли ислоҳотлар юксак самаралар берёётганини алоҳида таъкидлади. Бу жараёнда соҳага оид иқтисодий ва ҳуқуқий кафолатларнинг яратилгани оммавий ахборот воситаларининг мамлакат тараққиётидаги ўрнини тобора мустаҳкамлаш, изчиллик билан амалга оширилаётган кенг кўлламли ислоҳотларни алоҳида таъкидлари.

Мун-моҳиятини, янги жамият куриш йўлида эришаётган ютуқларимизни холис ва ҳаққоний тарзда халқимизга етказишига хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари эркинлиги тамоиллари, цензура ва ахборот монополлашувини ман этиш, ахборот олиш, уни қайта ишлаш ва тарқатиш ҳукуки Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган. Сўз ва оммавий ахборот воситалари эркинлигини амалга ошириш учун тегиши қонунчилик базаси шакллантирилган. Бу борада бир қатор қонунлар қабул қилинган. «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида» (янги таҳрирда), «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида», «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида», «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида» каби қонунлар шу-лар жумласидандир.

Истиқол туфайли оммавий ахборот воситалари мустақил ва эркин ривожланмоқда. Агар 1991 йилда Ўзбекистонда 395 оммавий ахборот воситаси фаолият юритган бўлса, бугунги кунда 1367 тани ташкил этади. Сўнгги ўн йилда мустақил босма оммавий ахборот воситалари сони 2,5 баробардан кўпроқ ошиди. Бу барча газета ва журнallарнинг қарийб 62 фоизини ташкил этади, электрон оммавий ахборот воситаси эса 7 баробар кўпайди. Оммавий ахборот воситаси сифатида рўйхатга олинган қарийб 300 веб-сайт иш юритмоқда.

Ўзбекистонда медиа тузилмаларнинг эркин фаолият юритиши, соҳада фуқаролик институтлари ривожланишини таъминловчи кенг кўлламли институционал ислоҳотлар амалга оширилди. Мустақил, ўзини ўзи таъминлайдиган, замонавий демократик талаб ва стандартларга жавоб берадиган медиа тузилмаларни шакллантириш жараёнини кўллаб-куватлаш, уларнинг моддий-техника базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлашда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини кўллаб-куватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси, Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситаларини изчиллик билан амалга оширилаётган кенг кўлламли ислоҳотларни алоҳида таъкидлари.

Талари ва ахборот агентликларини кўллаб-куватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Журналистлар ижодий ўюшмаси каби ташкилотлар мухим аҳамият касб этмоқда. Ушбу ташкилотлар томонидан фуқаролик институтларини, шу жумладан, медиа тузилмаларни кўллаб-куватлаш учун 2008-2012 йиллар давомида 27 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилди.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ахборот соҳасини ислоҳ этиш, соҳага оид қонунчиликни янада такомиллаштириш, фуқароларнинг ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, миллӣ медиа тизими давр руҳига мос тарзда изчил ривожлантириш, соҳа учун мутахассислар тайёрлаш, қайта тайёрлаш, уларнинг мақала ва маҳоратини оширишда мухим босқични бошлаб берди.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисида аҳолини хабардор килишнинг очиқлиги, транспарентлиги, маълумотларнинг ўз вақтида ва тўлиқ тақдим этилишини таъминлаш мақсадида барча давлат органларининг веб-сайтлари фаолият кўрсатмоқда. Жумладан, 2002 йилда «Uz» домен зонасидаги веб-сайтлар сони 587 донани ташкил этган бўлса, бугунги кунда 17 мингтага етди, мингдан ортиқ ҳўжалик юритувчи субъект интернет хизмати кўрсатмоқда.

Медия соҳада олиб борилаётган кенг кўлламли туб ўзгаришлар жараёнида электрон оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш, улар фаолиятининг самарадорлигигини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Юртимизда интернет тизимидан фойдаланувчилар сафи жадал кенгайиб бормоқда. Ушбу глобал тармоқдан фойдаланувчилар айни пайтда 12 миллиондан ошиди.

Фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқини янада кенгроқ таъминлаш, оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, мазкур органлар томонидан қабул қилинаётган

қарорлар сифатини ошириш борасидаги масъулиятини кучайтиришда «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида» ги қонун мухим аҳамият касб этади. Президентимизнинг 2013 йил 20 марта қабул қилинган фармойишига биноан шу йилнинг май оиддан бошлаб Бухоро ва Самарқанд вилоятларида «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида» ги қонун лойиҳасини синовдан ўтказиш бўйича ҳуқуқий тажриба ўтказилмоқда. Бу эса мазкур қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш, унинг меъёрларини амалда қўллаш, давлат органларининг мухим социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий долзарб масалаларни ҳал этиш борасидаги фаолиятидан аҳолини хабардор килишда оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари аҳамиятини кучайтириш учун янги имкониятлар очмоқда.

Қонун лойиҳаси синови ўтказилиши муносабати билан мазкур вилоятлarda ахборотдан фойдаланувчиларнинг оғзаки ва ёзма сўровлари салмоқли даражада кўпайгани амалга оширилаётган тадбирлар самарадорлиги, фуқароларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига ишончи янада мустаҳкамлашадиганини яққол мисол бўла олади. Жамоат ташкилотлари вакиллари, фуқаролар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятига оид ахборот олиш мақсадида мазкур давлат органларининг очиқ ҳайъат инифишиларида фаол иштирок этмоқда. Маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари вакилларининг матбуот, теле, радиоканаллар орқали чиқишилари то бора фаоллашмоқда.

Экспертлар томонидан қайд этилганидек, ҳуқуқий эксперимент давомида нафақат бевосита ҳуқуқий меъёрлар билан тартибида солинадиган ижтимоий муносабатларга, балки журналистлар фаолияти соҳасининг ўзини ўзи тартибида солиш тамоиллари — касб этикаси кодекслари, ўзаро ишонч тамоилларига асосланган қоида ва меъёрлар билан мувофиқлаштириладиган муносабатларга оид қисми ҳам синовдан ўтказилиши алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистонда матбуот со-

ҳасини ривожлантириш, унинг эркин, ошкора ва самарали фаолият кўрсатиши учун жаҳон андозалари даражасида шароит яратилган, — дейди ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси Дъердъ Сабо. — Мамлакатингизда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашга оид лойиҳа жамоатчилик, иқтисодий ва ижтимоий йўналишлар бўйича босқичмабосқич амалга оширилмоқда. Журналистлар ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш учун барча қонуний асослар яратилган. Ушбу соҳада ташкилотимиз Ўзбекистон билан ҳамкорликда қатор лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда.

— Фуқаролик жамияти институтлари тизимида оммавий ахборот воситаларининг роли ва аҳамиятини оширишга бағишлиган мазкур миллий форумда иштирок этганимдан мамнунман, — дейди америкалик эксперт Ллойд Халверсон. — Анжуманда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлигига оид маърузам билан иштирок этдим. Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари ривожлантириш, унинг эркин, ошкора ва самарали фаолият кўрсатиши учун кенг шароитлар яратилганига гувоҳ бўлдим.

Форум иштирокчилари демократик ислоҳотлар очиқлиги ва транспарентлигини таъминлашда оммавий ахборот воситалари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ўзаро ҳамкорлиги, ижтимоий аҳамиятта молик масалаларни илгари сурошда оммавий ахборот воситалари фаоллигини ошириш, журналистларнинг касб ва одоб мезонлари каби масалаларни атрофлича муҳкамма қилди.

Тадбир доирасида Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини кўллаб-куватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан ташкил этилган «Эътироф» ижодий кўрик-танлови ғолибларига диплом ва совғалар топширилди.

**Назокат УСМОНОВА,
Нодира МАНЗУРОВА,
ЎзА мұхбірлары**

Барқарор дўстлик ва ҳамжиҳатлик

Тошкент ислом университетида 16 ноябрь — Халқаро бағрикенглик кунига бағишлиган илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита ва Тошкент ислом университети ҳамда Республика байналмилал маданият маркази ҳамкорлигига ўтказилган мазкур семинар «Бағрикенглик — тинчлик ва барқарорлик кафолати» деб номланди. Унда диний ташкилотлар раҳбарлари, Ўзбекистондаги хорижий давлатларнинг дипломатик корпус вакиллари, университет ўқитувчи ва талабалари иштирок этди.

Семинарда Ўзбекистонда фуқароларнинг виждан ва диний эркинлиги борасидаги конституцион ҳуқуқлари

ни таъминлаш, жамиятда диний бағрикенглик ва динлараро дўстлик-ҳамкорликни мустаҳкамлашга алоҳида

эътибор қаратилаётганини таъкидланиди. Шу ўринда Ўзбекистон халқининг диний бағрикенглик фояларига содик эканлигининг яққол ифодаси сифатида динлараро дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган кенг қамровли ишлар амалга оширилганини таъкидлаш жоиз. Жумладан, Имом Бухорий халқаро маркази, Тошкент ислом университети, Ўзбекистон мусулмонлари идорасига қарашли диний таълим муассасалари, православ ва протестант семинарияларида диний бағрикенгликни тарғиб этувчи турли тадбирлар мунтазам ўтказилмоқда.

Тадбирда таъкидланғанидек, мамлакатимизда барча диний ташкилот ва

конфессиялар вакиллари фаолияти учун бир хил ва қулай имкониятлар мавжуд. Уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари Конституцияда кафолатланган.

— Бугун юртимизда диндорларнинг эмин-эркин ибодат амалларини бажарышлари учун барча шароитлар яратилган, — дейди Тошкент ислом университети маънавият ва маърифат бўлуми бошлиги Зоиржон Рўзиев.

Тадбирда диннинг асл инсонпарварлик моҳияти, уни ёшларга тўғри англатиш лозимлиги, динлар ва конфессияларро ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган эзгу ишлар ҳақида ҳам сўз борди.

**Жавоҳир КАРОМАТОВ,
«Turkiston» мұхбiri**





Bolalar sporti

Ақл машқида үқувчи-ёшлар

Қизириқ қишлоқ хұжалиги ва сервис касб-хунар колледжида шахмат мусобақасы үтказилди. Үнда Сурхон воҳасидаги барча умумталим мактабларидан келган юз нафардан ортиқ ёш шахматчилар дона суринди.

Бундай турнирлар үқувчи-ёшларнинг шахматга бўлган қизиқишини ошириш билан бирга, вилоят, республика ва халқаро мусобақаларда қатнашадиган ёш шахматчиларни аниқлаб бермоқда. Бу каби мусобақаларнинг доимий тарзда үтказилиши шахматсевар ёшлар сонини ошироқда. Ушбу турнирда беш-олти ёшдаги жажжи қизалоқлар ҳам иштирок этаетгани барчани қувонтириди. Масалан, Муаттар Жўраева беш ёшда. У шахмат ўйинини отасидан ўрганган. Оиласи шахмат ўйинларида эса опаларини мот

қилиб туради. Мусобақада Денов туманидаги 75-мактаб үқувчиси Раъно Абдухолиқова ҳам фаол иштирок этди.

— Шахмат бўйича Ўзбекистон, Осиё чемпионатида қатнашиб, фарҳли ўринларни кўлга киритиб келаяпман, — дейди Раъно. — Яқинда Шри-Ланкада бўлиб үтган халқаро турнирда тўртинчи ўринни кўлга киритдим. У ерда Россия, Хиндишон ва бошқа давлатлардан келган тенгдошларим билан куч синашиб, дўстлар орттиридим. Келажақда халқаро мусобақаларда Ўзбекистонимиз шаънини муносиб

сиб ҳимоя қилиб, жаҳонга машҳур шахмат усталири қаторидан жой эгаллаша ниятидаман.

Үтказилаётган бу каби тадбирлар кўплаб иқтидор эгаларини кашф этмоқда. Қолаверса, шахматнинг оммавийлигини ошириб, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли үтказишга хизмат қилмоқда.

Тадбир сўнгидаги голиб ва совриндорлар аниқланиб, ташкилотчилар ва ҳомийлар томонидан муносиб тақдирланди.

**Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА,
«Turkiston» мухбири**

Бу завқни қаердан топасиз?..

Тошкент вилояти «Турон» ахборот-кутубхона маркази ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими ҳамкорлигига ҳафтанинг ҳар шанба кунлари «Адабий мутолаа кунлари» үтказилмоқда.

Ўқув залида йиғилган «Онажоним — шеърият» тўгарагининг аъзолалири зиё маскани китоб фондидаги янги адабиётлар билан танишаркан, бу ерда маърифий тадбирлар үтказишда ҳам бош-қош бўляпти. Улар үтказаётган тадбирларда китобхонлар ҳам фаол иштирок этишпти.

— Китоб ўқишига иштиёқим баланд. Янги китоблар, газета ва журнallарнинг янги сонлари билан танишишини яхши кўраман. Бу маърифат маскани менга жуда ёқади, — дейди сурхондарёлик китобхон Нилуфар Шоймардонова. — Сабаби, қисқа муддатга меҳмонга келсан ҳам бу масканга кирмай кетмайман. Энг қизифи, доим мушоиранинг устидан чикаман.

Устозларимиз «Иход қилиш — фақат ёзиш эмас, балки мутолаадир», дейишиди. Бу фикр ижодсевар тенгдошли-

римиз учун дастурламал бўлаётир.

Мазкур тадбир доирасида «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигига чоп этилган «Созимда Ватан васфи» деб номланган тўпламнинг тақдимоти ҳам үтказилди.

— Бу тўпламга ўттиз нафарга яқин ёш қаламкашнинг она юрт, ота-она, миллий қадриятлар, меҳр-оқибат, муҳаббат ва садоқат, қолаверса, ҳарбий ватанпарварлик руҳидаги шеърлари киритилган, — дейди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ёшлар билан ишлаш бўлими ходими, тўпловчи ва нашрга тайёрловчи Шавкат Одилжон. — Китоб дизайнни ҳам бугунги кун матбаачилиги талабларига тўла жавоб беради. Албатта, бу мўъжаз китоб шеърият ихлосмандлари учун ўзига хос совфа бўлади.

Ижодкорни ўз устида ишлашида, малакасини оширишида китоб мутолаасининг аҳамияти катта. Шу максад билан «Турон» кутубхонасида йиғилган ёш ижодкорлар тадбирни «Ватаним, деб сени уйғондим» номли муршида билан якунладилар.

**Гулҳаё МАЪРУФОВА,
Тошкент вилояти педагогика коллежи ўқувчisi**

XXI аср одамфурушлари

Виждонли киши ҳеч қаочон, ҳатто энг қийин вазиятларда ҳам тўғри йўлдан адашмайди. Аммо пул ва молдунё учун нопок ишларга кўл урганларга муносиб жазо мұқаррардир.

Салкам чорак аср яшаган инсон ҳаётнинг паст-баландини тушунади, оқ-корани фарқлайди, албатта. Пойтахтимизнинг Шайхонтохур туманида истиқомат қилувчи Шухрат Ҳусанов қинғир ишга кўл урганини, шубҳасиз, яхши биларди. Бироқ нафс қутқуси уни энг оғир жиноятлардан бири — одам савдоси билан шуғулланишга етаклади. У алдов йўли билан қизларнинг ишончига кириб, уларга Туркияда иш таклиф қиларди. Табиийки, бунинг учун мўмай пул тўланишини алоҳида қистириб ўтарили. Қизларни Истанбулга олиб келгач, уларни — ўз ватандошларини худди буюмдек жиноий гуруҳ аъзолари қўлига «топширади». Туркияда қизлар фоҳишалик қилишга мажбур этилган.

Қинғир ишнинг қийиги қирқ йилда ҳам чиқади, дейишиди. Ш.Хусановнинг «тирик товарлар»ни пуллашга қаратилган навбатдаги ҳийласи фош бўлди, унинг ўзи эса қилмишига яраша мұқаррар жазога ҳукм этилди.

2012 йил июнда «Чилонзор буюм бозори»нинг олдида Ш.Хусанов навбатдаги «ўлжаси» — Феруза Носирова (1978 йилда туғилган) ҳамда Муножот Каримова (1982 йилда туғилган) билан танишиб қолади. Икки қизни «тўрга илинтириш» қийин кечмади. Ш.Хусанов қизларни гўёки опаси Туркияда адвокатлик идорасида ишлашига ишонтирган. Агар опасининг олдига боришича, улар энагалик қилиб мўмай маош олишлари мумкинлигини ўқтирган. Ойига 600 АҚШ долларидан пул топиш мумкинлиги ҳақида эшитгач, қизлар дарҳол таклифни қабул қилишиди.

«Унда ҳужжатларингизни тайёрлаб, чиптага пул топиб туринглар», — дейа тайинлаган ҳолда Ш.Хусанов қизлар билан яна қаочон, қаерда учрашишини келишиб олди. Бир неча кундан кейин эса қизлар фирибагга паспортлари ҳамда самолёт учун чипта пулини — 1 миллион 680 минг сўмдан олиб келиб беришиди.

Келишилган куни ҳаммалари «Тошкент» халқаро аэропортида учрашиб, Туркияга учишиди. Истанбулда «Гранд орол» меҳмонхонасига жойлашиши. Режага мувофиқ, аэропортда қизларни Ш.Хусановнинг «опаси» кутиб олиши керак эди. Бироқ у негадир келмади. Ш.Хусанов аввалига тажанг бўлиб турди-ю, бирпас туриб қайтаман, деганича хонадан чиқиб кетди.

Кейин меҳмонхона номерига бегона аёл кириб келди, у ўзини Мадина деб танишириди ва қизларни уйига олиб кетмоқчи эканини айтиди. Дугоналар Ш.Хусановсиз ҳеч қаерга бормасликларини айтишиди. Шунга қарамай, Мадина қизларни тезда кўндириди, устига-устак кўчада уларни такси ҳам кутиб турарди.

Йўл-йўлакай машинада қизиқ сухбат бўлиб ўтди. Мадина қизлардан

Туркияга нима мақсадда келишганини сўради. Қизлар Истанбулда энага бўлиб ишлашга келишгани, Шухрат уларни ишга жойлаштиришига ваъда берганини айтишиди. Мадина эса бу ерда бундай иш йўқлигини кескин оҳангда таъкидлади.

Манзилдаги квартирага етиб келгачгина қизлар аслида кимга «энагалик» қилишлари кераклигини тушуниб етишиди. Маълум бўлишича, квартирини Мадина ижарага олган экан. Унинг асосий вазифаси эса янги қизларни топиб, уларни шу ерга олиб келиш, эркак мижозлар билан танишириш ҳамда хизмат ҳақини куртдай санаб олишдан иборат бўлган. Бошқача айтганда, у қўшмачилик билан шуғулланарди. Бу ишда унга Шухрат Ҳусанов ва унинг рафиқаси Зулфия ёрдам беришган.

Кетишига чоғланар экан, Мадина тезда бир турк, яъни эркак билан қайтиб келишини, қизларга эса «мехмон»нинг кўнглини овлашлари лозимлигини таъкидлади. Кўп ўтмай у мижозни бошлаб келди. Эркак қизларга спиртли ичимлик таклиф қилди, бироқ қизлар рад этишиди. «Истамасангиз — майли». Қизларга сув, яхна ичимликлар кўйиб беришиди. Кейин Мадина қизларга ишга киришиш фурсати етганини ишора қилди: энди мижознинг кўнглини овлаш керак! Қизлар қатъий бўйин товлашганини кўриб Мадинанинг фифони фалакка чиқди, жанжал кўтариб, уларни катта пулга сотиб олганини, энди барча харажатларни қоплашлари кераклигини шарт қилиб қўйди. Ўша заҳотиёқ Феруза ва Муножот жон-жаҳдлари билан дераза томонга талпинишиди ва ёрдам сўраб бақира бошлашди. Мадина чалғиган пайтда қизлар квартирадан базур чиқиб олишди-ю, меҳмонхонага қайтиб келишиди. Аммо шу аснода қизларнинг бири ҳушидан кетди (маълум бўлишича, ичимлика қандайдир дори аралаштирилган экан). Дугонаси ўзини йўқотиб қўймади, дарҳол Ўзбекистондаги акасига SMS орқали хабар юборди...

Хийласи ўтмаганини анлаган Ш.Хусанов қинғир ишининг ноҳуш оқибатларидан қочишга уриниб, қизларнинг юртимизга қайтишига, ҳар ҳолда, ёрдам берди. Аммо у жазодан қочиб кутуолмади.

2013 йил январда Ш.Хусанов устидан суд бўлиб ўтди. Тошкент шаҳар жиноий ишлар бўйича Чилонзор туман суди уни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг бир неча мoddаси бўйича, жумладан, одам савдоси билан шуғуллангани ва жиноий уюшма ташкил этгани учун айбдор деб топди. Энди у саккиз ярим йиллик умрини қамоқда үтказадиган бўлди.

Афсуски, орамизда нафси ҳакалак отиб, моддий манфаат учун алдову гуноҳдан тап тортмайдиган кимсалар ҳали ҳам учрайди. Эҳтимол, фаросатсизлиги ва калтабинлиги уларни ана шу йўлга бошлагандир.

Унумтамаги, ақл билан иш тутмасангиз, дуч келган одам сизни чув тушириши ҳеч гап эмас. Худди Ф.Носирова ва М.Каримовага ўшшаб алданиб қолманг. Огох бўлинг!

Ҳар галгидан ўзгача!

Қарақалпогистон Республикасида «Биз буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди

Самолёт Нукус халқаро аэропортига кўнайти. Ойнадан ташқарига мўраладим. Қарасам, ҳув узокроқда одамлар йиғилган, миллий либосдаги қизлар гуллар кўтарган, созандалар кўй чалаяти.

— Эҳ-хе, шунча хурмат-иззат бизгами ё бошқа бирон шодиёна бўлаяптими?! — дедим ҳайратим ичимга сифмай, ёнимдаги шеригимга.

— Бу ерга биринчи келишингизми дейман? — деди у.

Мен жилмайиб кўйдим: «Йўқ, ўзим шу эл фарзандиман-ку!»

— Ахир, юртимизнинг ҳар гўшасида хурсандчилик кунлари, байрамлар тўйдек ўтади. Тўйда эса меҳмонни отасидек сийлайди юртдошларимиз. Шунинг учун бу меҳмондўстликка ажабланманг, — деди у ҳам жилмайиб.

Шундай қилиб, «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши ходимлари, Ҳаракатнинг тарбибот гурухи аъзолари ҳамда санъаткорлар самолётдан ўзгача ҳаяжон, хурсандчилик билан тушдик. Мусиқа садолари остида бизга тутилган иссиқ нонни ушатдик.

Сўнгра Нукусдаги И.В.Савицкий номидаги давлат музеида бўлдик. Музейда юртнинг ўтмиши, бугуни ва келажаги ҳақида тасаввурга эга бўлдик. Миллий либослар кўргазмаси ўтказилди.

— Бу Нукуснинг юраги — Мустақиллик майдони, — деди автобусдаги жимликни бузди «Камолот» ЁИХ Қарақалпогистон Республикаси кенгаши раиси Жолдас Абдижамилов. — Шу йил бунёд этилди. Мана бу, тўғридаги эса «Бахт уйи», Акварпарк...

Ҳа, шаҳар келинчаклардай безанибди, чиройли, улкан, янги бинолар қад ростлабди. Шундай гўзалликни кўрсанг, кўнглинг тофек кўтарилади. Ҳаммамиз жонланиб кетдик, хушкайфиятда шаҳарни томоша қилдик.

Кечак ҳаво салқин эди. Фестивалнинг биринчи куни — бугун анча илиқ. Эрталабдан ҳаммамиз ёшлар фестивалини ўтказгани Әлликқалъага йўл олдик.

— Ҳаво анча яхши, — дедим ёнимдаги шеригимга. Иккаламиз қадимий Әлликқалъадаги тарихий ёдгорликлар — Тупроққалъа, Қирқизқалъа ва Кўйкирилганқалъа ҳақида тўлиб-тошиб сұхбатлашиб бордик.

Автобусимиз тумандаги Бўстон академик лицейида тўхтади. У ерда ўқувчilar бизни ўзбек, қорақалпоқ, инглиз, француз, рус тилларидағи ажойиб шеърлар билан қарши олиши. Кейин тумандаги ёш рассомларнинг кўргазмаси бошланди. Унда «Ватаним ва мен», «Олтин балиқча», «Тилак» каби бир-бираидан гўзал асарлар кўччиликнинг диккат марказида бўлди. Шунда «Қишлоғим — ватаним» деб номланган расм муаллифи, Бўстон академик лицей ўқувчisi Ойсара Жамолиддиновадан қизиқиб сўрадим:

— Нега расм чизишга қизиқасан?

— Шундай гўзалликни кўриб беришди...

туриб ижод қилмаслик, расм чизишга қизиқмаслик асло мумкин эмас, — деди у...

... Шундай, ёшлар гўзалликни чукур ҳис қилади. Бу гўзалликлардан эса яна гўзалликлар яратишади.

Кўргазмадан сўнг «Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз!» лойиҳаси асосида футбол, баскетбол, волейбол, тенис ва стол тениси бўйича мусобакалар ўтказилди. Волейбол бўйича коллеж ўқувчилари ўтасида ўтказилган беллашувда Элликқалъа санъат коллежи ўқувчилари голиб бўлди.

Қўнғирот тибиёт коллежида ўтказилаётган «Сиз севган қаҳрамонлар» ва «Замонамиз қаҳрамонлари» лойиҳаси асосида ижодий учрашувга бордик. У ерда туман ёшлари санъаткорлар билан сұхбатлашаётган экан...

Биз 10-болалар мусиқа ва санъат мактабида бўлиб, «Иқтидор эгаси — обод юрт эртаси» тадбирида ёшларнинг кўлга киришган ютуқлари ҳақида кўргазмада қатнашдик.

Ҳар йили Ҳаракат томонидан ушбу ёшлар фестивалининг якуний шодиёнаси факат Нукусда бўларди. Бошқа тумандарда эса кичикроқ ўтарди, бу ийлигидек бўлмасди. Демак, бу галги фестиваль ўзгача, байрамни Қарақалпогистоннинг ҳар бир нуктасида тантанали нишонлашмоқда.

Эртасига Нукус туманида меҳмон бўлдик. Тумандаги 15-болалар мусиқа ва санъат мактабида ёшларнинг кўлга киришадига ютуқлари билан танишдик.

«Хеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!» лойиҳасида кам таъминланган оиласларга туман ҳокимлиги, тарбибот гурухи аъзолари томонидан фестиваль совфалари топширилди.

Нукус тумани билан Тахтакўпир ораси автобусда икки соатлик йўл. Шу икки соатда зерикмаслик учун «Ойдинлар», «Қора кўз» қўшиқларини кўйладик. Ҳайдовчи ака эса «Тахтакўпирим» қўшиғини кўйлади. Ҳушкайфиятда туманга кириб бордик.

У ерда «Сиз севган қаҳрамонлар» ва «Замонамиз қаҳрамонлари» лойиҳасида иштирок этдик, ёшларнинг ижодий ишлари билан танишдик.

— Шеър ёзишга иштиёқим зўр. «Гулим», «Ватан туйғуси» тўпламларим чоп этилган. Ҳозир «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивалида қатнашайман, — дейди тумандаги 7-мактаб ўқувчisi Диора Ўзокберганова.

Тўрткўлда эса «Истиқол истеъоддлари» лойиҳаси доирасида туман ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар кўмитаси раиси Ҳабиба Убайдуллаева билан учрашув ўтказиладиган экан. У ёшлар саволларига жавоб берди, талаб-таклифларни эшитди. Сўнгра санъаткорлар ёшларга ўзларининг болалик йиллари ҳамда ижодий фаолиятидаги қизикарли воқеалар ҳақида галириб беришди...

— Хўжайлини кўрмабсиз, бу дунёга келмабсиз. Мен иш билан туманда икки йил олдин бўлгандим. Ўшанда «Миздалхон», «Жўмард қассоб» зиёратгоҳига боргандман, — дея фестиваль ҳақида ўйларимни бўлди Ҳаракат фаоли Клара Худойбергенова.

— Шунақа денг, — дедим Хўжайли ҳақида анча-мунча нарсани билсан ҳам, буни билдирамай. У киши йўл бўйи бир пайтлар туманда кўрган билганларини айтиб келди.

Биз Хўжайлидаги Мехрибонлик уйига келдик, шароитлар билан танишдик, ажойиб кўй-қўшиқларни эшитиб, мириқиб дам олдик.

Хўжайли педагогика коллежа «Президент асрлари билимдон» танлови ўтказилди. Иштирокчилар эркин сұхбат, Президент асрлари бўйича тест синовларидан ўтиши. Энг фаоллари эса тақдирланди.

Худди шу пайт фестиваль тадбирлари Шуманайда ҳам ўтказилаётганидан хабар топдик.

Шуманай тумани ёшлари «Сиз севган қаҳрамонлар» ва «Замонамиз қаҳрамонлари» лойиҳасини ўтказиши. Унда улар актриса Саида Сайдекова билан учрашиши. Шунингдек, фестиваль доирасида «Билимдонлар» интеллектуал ўйини ташкиллаштирилди.

Чимбойликлар эса «Депутат ва ёшлар» лойиҳасини ўтказиши. Бундан ташқари, тумандаги 1-болалар ва ўсмирилар спорт мактабида самбо бўйича Чимбой тумани биринчилиги ҳам бўлиб ўтди.

Мана шундай байрам, танана, тўйларни кўрганда инсон онадан қайта туғилгандек бўлар экан. Чунки хурсандчилик ташвишларни емиради, қалбдаги кўп ғуборларни кетказади. Икки кун фестивалнинг барча қатнашчиларига шундай лаҳзарларини инъом этди.

«Камолот» ЁИХ Қарақалпогистон Республикаси кенгаши томонидан ўтказилаётган «Биз буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остида ёшлар фестивалининг охирги куни.

Нукус. Соат 10:00.

Нукусдаги Республика 4-бадиий гимнастика бўйича ихтинослаштирилган болалар ва ўсмирилар спорт мактабида «Камолот» фунчалари» шиори остида бадиий гимнастика бўйича 2001, 2002 ва 2003 йилларда туғилган қизлар ўтасида мусобака бўлди. Унда биринчи ўринни Алина Ким, иккинчи ўринни Лиана Кутлимуровада эгаллади.

Соат 12:00.

Нукусда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Нукус шаҳар кенгаши раиси Мийрат Қосимов, Нукус шаҳар ҳокими ўринбосари Низоматдин Мутадинов ёшларнинг саволларига жавоб берди. Учрашувда Қарақалпоқ давлат университети қошидаги 1-академик лицей ўқувчisi Шаҳзода Бозорбоеva шаҳар худудида чиқинди соладиган маҳсус қутилар ўрнатилиши керак, деган таклифни билдириди. Бу таклиф



қўллаб-куватланди.

Қарақалпоқ давлат университетида «Тенгдош тенгдошга» лойиҳаси асосида «Экология ва ёшлар», «Оммавий маданият» ва ёшлар маънавияти» мавзуида тарбибот соати ўтказилди. Бунда талабалар «оммавий маданият» ва айrim оммавий ахборот воситалари орқали тарқатилаётган ахборотларнинг салбий жиҳатлари ҳақида гаплашиши. Бу сұхбат эса «Билим-ринг», «Камолот» кўчма кубоги учун интеллектуал ўйинида кетди.

— Ҳозир биз ўзимиз севган қаҳрамонлар билан учрашайпмиз, — дейди Нукус шаҳрида «Прогресс» тил ўрганиши ва ривожлантириш маркази ўқувчisi Мерхан Болтабоева. — Мен уларга ўзимни қизиқтирган саволларимни бераяпман. Санъат ва унинг кираларини ўрганаяпман...

Фестиваль дилрабо қўшиқ ва рақслар билан якунланди.

Кумар БЕГНИЯЗОВА, «Turkiston» мухбири



(Давоми, аввали
1-саҳифада)

Лидер низога бормайди

Форумдаги дастлабки ўзига хослик дастурга биринчи маротаба етакчилар учун маҳорат дарсларининг киритилганида бўлди. Одатда, ўкув машгулотлари ёки семинар-тренингларга тегишли соҳалардаги тажрибали мутахассислар тренер сифатида таклиф қилинади ва машгулот олиб боради. Улар мавзу бўйича ўз билими билан булишиши, янги маълумотларни етказиши мумкин. Аммо етакчи мутахассислардан тажриба ўрганиш бошқа масала. Бу сафар форум иштирокчилариша шундай имконият яратилди. Улар замонавий етакчи имижи ва қиёфасини яратиш, ёшлар психологияси, лойиҳалар ишлаб чиқиши ҳамда ёшларни деструктив маданиятлар таъсиридан асрар бўйича ўтилган маҳорат дарсларида қатнашдилар. Шундай дарслардан бири лидерлик психологиясига бағишиланди.

Ҳаққий етакчи одамлар билан тез ва осон тил топиша олиши ҳамда ҳеч қачон низога бормаслиги кераклигини биласизми? Лидерлар неча турга бўлинишини-чи? Лидерлик билан доминантликнинг фарқини-чи? Ҳа, ҳа, бундай саволлар олдида камдан-кам киши ўз қизиқишини яшира олса керак. Етакчи бўлишга интилаётган ёшларни-ку, асти кўяверинг. Шунинг учун Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси доценти, психология фанлари номзоди Иброҳим Маҳмудовнинг маҳорат дарсини бутун аудитория қимирламай эшитди. Бир-биридан қизиқарли маълумотларни битта қўймай ёзиб бораётган ёшлар сафига биз ҳам қўшилдик. Мана, ёндафтарчамиздаги айрим қайдлар: лидер доимо низоларни четлаб ўтишга ҳаракат қиласди, у ҳамиша ҳар қандай вазиятни тўғри баҳолайди, ишни тўғри ташкил эта олади; лидер атрофидаги инсонларнинг ҳам лидер бўлишлари учун шароит яратиб берувчи инсондир. У доминант шахслардан фарқли ўларок, бошқаларнинг ташаббус ва интилишларини бўғиши орқали етакчи бўлишга ҳаракат қилмайди; лидерлар орасида интеллектуал, эмоционал (хиссий жалб этувчи), ситуатив (вазиятни тўғри баҳоловчи) ҳамда ташкилотчилик фаолиятидаги лидерлар фарқланади.



**Азизбек
Матназаров,
лейтенант, Қарши
туманидаги
ҳарбий қисмнинг
«Камолот» ЁИХ
бошлангич
ташкилоти
етакчиси**

«Камолот» билан кўп йилдан бери биргаман. Дастрлаб Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртида ўқиган кезларимда Ҳаракатнинг бошлангич ташкилоти етакчisi бўлиб фаолият юритдим. Ҳарбий қисмда ҳам мени етакчи этиб сайлашди. Форумда биринчи маротаба иштирок этяпман. Бу ерда ўзимга ўхшаган ўнлаб ёшлар, ташаббускор етакчилар билан танишдим, ҳамфиқро, ҳамсұхбат бўлдим. Форумга тажрибали тренерлар таклиф этилганидан хурсандман. Улардан фойдали нарсаларни ўргандик. Айниқса, ёшлар билан ишлаш психологиясига бағишиланган маҳорат дарси менга маъқул бўлди. «Энг намунали бошлангич ташкилот» кўрик-танловининг республика босқичида диплом билан тақдирландим. Бу ҳам ёмон натижка эмас. Мухими, форумдан ҳарбий қисмга янада ишчанлик кайфиятида қайтапман. Бу ерда олган билим ва тажрибани келгуси фаолиятимда, албатта, татбиқ этишим керак.

”



Тақдимотлар, таклифлар ва саҳна кўринишлари

Форумнинг биринчи кунидан 140 нафар етакчи олтита гурухга бўлинди. Умуман олганда, мазкур лойиҳанинг яна бир ўзига хослиги ҳам шунда. Форумда бир-бирини яхши танимайдиган ёшлар жамоа бўлиб ишлаш асосида ўзаро дўстлашадилар ҳамда бир пайтнинг ўзида фикр ва тажриба алмашши имкониятига эга. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Бироқ энди етакчилар олдига қўйилган вазифа янада мураккаблашди. Яъни ҳар бир гурух ўзига ном, шиор ва логотип ўйлаб топиб,

кичик тақдимотини ўтказишдан ташқари, бошлангич ташкилот иш режасига киритилиши мумкин бўлган лойиҳалар бўйича ўз таклифларини ишлаб чиқиши, «Энг намунали бошлангич ташкилот» танлови учун тақдимотлар тайёрлаши, «Заковат» интеллектуал ўйинида қатнашувчи билимдонлар жамоасини шакллантириши ва эътибор беринг, бошлангич ташкилот фаолиятини акс эттирувчи саҳна кўринишини тайёрлаб, на мойиш этиши керак эди. Ташкилотчilarга қойил! Ахир, бун-

дай топшириклар билан банд қилинган форум иштирокчилари бирор дақиқам бўш қолмагани аниқ-ку. Натижаси ҳам шунга яраша.

Бошлангич ташкилот иш режасига таклифларни етакчилар амалий машгулотлар давомида ишлаб чиқиши. Гурухларда кечган жонли мунозарани сўз билан ифодалаш қийин. Бу жараённи кўриш керак. Етакчилар фақат лойиҳалар билан чекланди, деб ўйлайсизми? Адашасиз! Амалий машгулотларда бир қатор долзарб ма-

салалар ҳам ўртага ташланди. Хусусан, ишлаб чиқилган таклифлар орасида коллеж битирувчиларини ишга жойлаштиришда бошлангич ташкилотнинг ролини ошириш, ёшларнинг муаммолари, таклиф ва истакларини ўрганиш бўйича ижтимоий сўровлар ўтказиш, эрта турмуш ва қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олишга қаратилганлари бор. Айтганча, «Таклиф ва ташаббуслар» танловида фаол иштирок этган етакчилар ҳам эътиборсиз қолмади. Улар маҳсус диплом билан тақдирландилар.

Бошлангич ташкилот фаоли

тига оид саҳна кўринишлари форум доирасидаги, эҳтимол, энг ноодатий тадбир бўлди, десак, адашмаймиз. Саҳна кўринишини яратиш иштирокчilarга қанчалик завқ бағишилаган бўлса, шунчалик меҳнатни талаб қилди. Бир қарашда, барчага таниш мавзу. Ахир, бошлангич ташкилотдаги фаолият ҳар бир етакчи кундалик фаолиятининг ажралмас қисмiga айланган-ку. Шундай, аммо саҳнада гурухлар бошлангич ташкилотдаги мавжуд муаммоларни ҳам, таклифларни ҳам бадиий йўсинганда кўрсатиб беришлари керак эди. Мана буниси энди бироз мураккаб масала. Хуллас, саҳна кўринишини тайёрлагунча кимdir ўзини актёр сифатида синааб кўрган бўлса, бошқа бирор режиссура ва сценарийнавислик бобидаги маҳоратини ишга солди.

”

Етакчи сифатида фаолият бошлага-
нимга бир йил бўлди. Корхонамизда 1,5
мингдан зиёд ёш ишчи ва ходим
Ҳаракатнинг бошлангич ташкилотига
аъзо. Уларни бирлаштириш, қизиқиши-
лаш бўйича турли лойиҳаларга жалб
этиш осон эмас. Форумда қатнашиб,
бу борада тажриба ортиридим. Бизга
ўтилган маҳорат дарслари ҳамда
амалий машгулотларнинг самараси
катта бўлишига умид қиласман. Чунки
машгулотлар давомида айнан иш
фаолиятимизда аскотадиган янги
билимлар, маълумотлар берилди. Мен
спортга қизиқаман. Шунинг учун форум
давомида ўтказилган барча спорт
мусобақаларида фаол қатнашдим ва
диплом билан тақдирландим. Гурухлар-
да ишлаб, янги лойиҳалар яратдик. Бу
ҳам тажрибамизни оширишга хизмат
қилди. Келаси йилги форумда, албатта,
қатнашиш ниятидаман.



**Хуррият
Мирзақандова,
«Қизилқумцемент»
ОАҲдаги
«Камолот» ЁИХ
бошлангич
ташкилоти
етакчиси**

Форумнинг сўнгги аккорди

Бу, шубҳасиз, «Энг намунали бошлангич ташкилот» кўрик-танловининг республика босқичи галибларини тақдирлаш маросими бўлди. Танлов ҳеч кимни — иштирокчilarнинг чиқишиларини максимал равишда холисона баҳолашга ҳаракат қиласми ҳайъат аъзоларини ҳам, беллашувда иштирок этган етакчиларни ва ҳатто, ташкилотчilarни ҳам бефарқ қолдирмади.

Танлов натижалари қўйидагича:

1-ўрин — Умидга Фофурова, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводидаги «Камолот» ЁИХ БТ етакчиси.

2-ўрин — Мақсад Нўймонов, Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли Навоий вилояти уй-жой коммунал бошқармасидаги «Камолот» ЁИХ БТ етакчиси.

3-ўрин — Азиз Муҳиддинов, Андижон вилоятидаги «O'z Erae Climate Control» қўшма корхонасининг «Камолот» ЁИХ БТ етакчиси.

Фаол иштироки учун Анвар Каримов («Шўртсангазкимё» мажмуаси, Қашқадарё вилояти), Музаффар Собиров («Урганчтрансгаз» шўъба корхонаси, Хоразм вилояти), Муҳаммад Абдуллаев (Муллақирғиз мадрасаси, Наманган вилояти), Дониёр Расулов («GM Uzbekistan» қўшма корхонаси, Андижон вилояти), Гулчехра Эгамбердиева (Наманган шаҳар тиббиёт бирлашмаси), Азизjon Эшпўлатов (Бектемир тумани давлат солик инспекцияси, Тошкент шаҳри), Рахимбек Рустамов (Ширин шаҳридаги ҳарбий қисм, Сирдарё вилояти) каби тенг дошларимиз ҳам тақдирланди.

Наргиза УМАРОВА, «Turkiston» мухбири.
Сардор Муллажонов олган суратлар

”

Ўқувчиларниң мақсади ягона

Бугунги куннинг ёшлари олий таълим даргоҳига бормасдан туриб турли соҳага оид билимлардан хабардор бўлиши мумкин. Ҳатто ҳалқ хўжалиги даги турли мутахассисликлар учун яхшигина кадр бўлиб хизмат қила олади. Чунки касб-хунар коллежларида олиб борилаётган таълимтарбия ишлари бу фикримизни исботлай олади. Бугунги коллежни битирган ўқувчи ветеринар ё агроном, фермер ё бухгалтер, моделъер ё компьютер устаси, хуллас, ижтимоий ҳаётимиз учун зарур мутахассис сифатида хизмат қилмоқда. Кўпгина жойларга борсангиз, ана шундай жараённинг гувоҳи бўласиз. Айниқса, коллежлардаги бугунги шароит ва аҳвол йилдан йилга яхшилашиб бораётганини, ўқувчи ва ўқитувчи масъулияти ошаётганини кўриб қувонади киши.

Бахмал қишлок ҳўжалиги касб-хунар коллежи 2000 йилда очилган. Ушбу коллеждан бугунги кунгача қанчадан қанча ёшлар учирма бўлди, олий таълим мутахассислари кирди. Кўпчилиги коллежда олган мутахассислиги бўйича ишламоқда.

Коллеж «Япония ҳалқаро ҳамкорлик банкининг UZB-6 имтиёзли кредит асосидаги ўрта маҳсус касб-хунар таълимини ривожлантириш лойиҳаси» томонидан 1 миллиард 200 миллион сўмлик жиҳоз билан таъминланган. Шундан 890 миллион сўмлик жиҳоз «Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва саклаш» кичик цехига ажратилган. Фан хоналари лаборатория жиҳозлари билан тўлиқ таъминланганки, бундан ўқувчилар мамнун. Автомобиль, трактор жиҳозлари мавжуд. Айниқса, чилангарлик, пайвандлаш ўқув устахонаси, автотракдром ўқув

майдонлари доим ўқувчилар билан гавжум.

Ўқув амалиётини тўлақонли ўтказиш, ҳар бир ўқувчини амалиётга тўлиқ жалб этиш мақсадида туман худудидаги ишлаб чиқариш корхоналари, ташкилотлар ҳамда хусусий тадбиркорлар билан уч томонлама шартномалар имзоланган. Ушбу шартномалар асосида ўқув ҳамда ишлаб чиқариш амалиётлари самарали ташкил этилди. Ҳозирда улар тумандаги қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси, туман фермер ҳўжаликлари, туман ИИБ, ҳалқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўйими, газ таъминоти корхонаси, туман банклари ва хусусий тадбиркорлар кўлида иш ўрганишмоқда.

— Коллеж ҳовлисида ободонлаштириш ишларини ташкил этганимиз. Бунинг учун ободонлаштириш тадбирлар иш режа-

си ишлаб чиқсанмизки, бунда ҳар бир ўқитувчи учун алоҳида ҳудуд ажратилган ва унга масъуллар белгиланган, — дейди коллеж директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Манзура Норқўзиева. — Ҳудудга 25000 туп қаламча экиш режалаштирилган эди. Шу кунга қадар 20255 туп қаламча экилди. 1350 туп мевали ва манзарали кўчат ўқитувчи режалаштирилган бўлса, ҳозирги кунда 12435 туп кўчат экилган.

Таълим самарадорлигини оширишда ахборот-ресурс марказларининг аҳамияти жуда катта. АРМга кирганимизда, бу ер ўқувчилар билан гавжум эканлигига гувоҳ бўлдик.

— АРМ 9099 нусхадаги китоб фондига эга. Олтига компьютер, кирк ўринга мўлжалланган ўқув зами мавжуд, — дейди коллеж АРМ раҳбари Зайнаб Абдувалиева. — Компьютерлар «Ziyouet» ва интернет тармоғига уланган. Үндган ўқитувчи ва ўқувчилар мунтазам равишда фойдаланиб келишмоқда. АРМда етти киши ишлаймиз. Шундан тўрт нафар ҳодим ТАТУда малақа ошириб келган бўлса, икки нафар ҳодим Жиззах давлат педагогика институтида ахборот кутубхоначиси мутахассислиги бўйича ўқиб келди. Муҳим саналар муносабати билан ўқизиладиган тадбирлардан ташкил, гуруҳлар ўртасида ўқув адабиётларидан фойдаланиш бўйича мусобақалар ўқазиб турдимиз. «Энг яхши китобхон гурух», «Энг яхши китобхон оила», «Энг яхши деворий газета» каби танловларимиз ана шулар сирасидан.

Коллежда ўн битта умумтадим фанидан ҳамда еттита спорт туридан тўгараклар фаолият



кўрсатади. Бундан ташкири, қизиқувчилар тўгараги ҳам ишлаб турнибди, ёш автомобилчи, ёш механизатор, ветеринария, моҳир чевар кизлар деб номланган тўгаракларга барча қизиқувчилар жалб қилинган. Улар нафақат фан бўйича билимларини, балки касбий таълим бўйича ҳам кўнкимларини ошириб борадилар.

— Ҳозирги кунда коллежда компьютер ва компютер тизимларини созлаш ва таъмирлаш техники, кенг ассортиментдаги кийимлар модель-ер-конструктори, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларида ишлов бериш ва сақлаш технологияси, транспортларда ташиш ва бошқаришни ташкил этиш каби ўн тўртта йўналиш бўйича 847 нафар ўқувчи таҳсил олмоқда, — дейди коллеж директори Мамат Эшманов. — Коллежнинг умумий ер майдони етти гектар бўлиб, ўқув корпуси беш юз эллик ўринга мўлжалланган. Юз ўринли ошхона, юз ўринли спорт зали, кирк ўринли кутубхона ва бир юз эллик ўринли фаоллар зали ва стадион ўқувчилар учун ҳар доим шай. Коллежнинг ўтиз олти нафар ўқитувчи ва муҳандис-педагоглари ўқувчиларга фан ва касб сирларини астойдил ўргатмоқда.

— Жорий йилнинг 19-24 августан кунлари Тошкент вилояти

Бўстонлиқ туманида бўлиб ўтган бошлангич ташкилотлар етакчилари форумида қатнашиб келди, — дейди коллеж «Камолот» ЁИХ бошлангич ташкилоти етакчиси Абдуманон Жуманов. — Форумда коллежимизда амалга оширган ишларимиз юзасидан ҳисботлар тақдим қилдик ва фахрли ўринлардан бирини эгалладик. Тадбир таассуротлари ҳақида ўқувчиларга сўзлаб бердик.

Абдуманоннинг айтишича, яқин кунларда ўқувчилар иштирокида Бахмал туманида Обод турмуш йилига бағишиланган кинофильм тақдимоти бўлади. Кинофильмнинг асосий мазмуни ўқувчиларнинг давомати пастлиги ҳақида. Демак, дарсларни бесабаб қолдирмаслик, дарсларда фаол қатнаши ўқувчиларнинг ягона мақсадига айланган.

Бугунги ўқувчини эртанги мутахассис сифатида тасаввур қиласи кириб, ўз келажагини белгилаб олаётган ёшларни кўриб, таълим-тарбия ишларининг яхши йўлга кўйилаётганини англаймиз. Коллежлар ёшларимизнинг келажагини белгилайдиган табаррук масканга айланаб бораётганидан кўнглингиз яна-да равшан тортади.

Шоди ОТАМУРОД,
«Turkiston» мухбири

Она юрт тимсоли

Биз давлатимиз байробини азиз ва муқаддас билиб қадрлаймиз, кўкларга кўтарамиз. Чунки у Ватанимиз тимсоли ва рамзиdir.

«Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроби тўғрисида»ги қонун қабул қилинганидан бўён бу санини байрамона тарзда нишонлаб келямиз.

Шу сана муносабат билан Навий кончиллик коллежида «Ватан байробини асрайлар, ўшлар!» мавзууда адабий-музиқий тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда дастлаб Ўзбекистон мадҳиуси янгради, сўнг коллежнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Гулшера Шагатаева мусаффо осмонимиз узрахи хилдириб турган байробимиз ҳақида мароқли сўзлади.

Ўқувчилар ижросида давлатимиз рамзларига маҳорат билан таъриф берилди. Тадбир режиссёри, хонанда Тоҳир Ҳамидовнинг ватан васфини тараннум этувчи кўшиклиари, болажонлар талқинидаги шеърий гулдасталардан Ватанга бўлган меҳр ифорлари тарафиди.

— Тадбирни коллежнинг ижтимоий фанлар кафедраси ўқитувчилари Мўътабар Расуолова, Насиба Нурмуродова, Дилфуз Арзиева билан ҳамкорлиқда тайёрладик, — дейди коллеж ахборот-ресурс маркази раҳбари Роҳила Норматова. — Бундай тадбирлар ўшларда она-Ватанга, унинг рамзларига бўлган меҳр-муҳаббат тўйғуларини янада кучайтиради. Ўқувчиларимизнинг бу тадбирда қатнашиш истаги, иштиёқи жуда баланд бўлди, Айниқса, шеърларни ёд олиб, ифодали ўқиётган ўшларнинг хис-ҳаяжони беихтиёр бошқаларга ҳам кўчди. Буни юрак-юракдан ҳис қилиб, фахрланасан, киши.

Ҳакима ДАВРОНОВА,
Навий кончиллик коллежи
ахборот-ресурс маркази ходими

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ



1. Ҳалқаро иқтисодий муносабатлар ихтисослиги бўйича инглиз тили кафедраси ўқитувчisi (1 та ўрин);

2. Ҳалқаро ҳуқуқ ихтисослиги бўйича инглиз тили кафедраси мудири;

3. Ҳалқаро ҳуқуқ ихтисослиги бўйича инглиз тили кафедраси ўқитувчisi (2 та ўрин);

4. Ҳалқаро ҳуқуқ ихтисослиги бўйича инглиз тили кафедраси профессори;

5. Ҳалқаро муносабатлар ихтисослиги бўйича инглиз

тили кафедраси ўқитувчisi (2 та ўрин);

6. Романо-герман тиллари кафедраси катта ўқитувчisi;

7. Романо-герман тиллари кафедраси ўқитувчisi (2 та ўрин);

8. Шарқ тиллари кафедраси ўқитувчisi (2 та ўрин);

9. Ўзбек тили кафедраси катта ўқитувчisi;

10. Рус тили кафедраси катта ўқитувчisi;

11. Рус тили кафедраси ўқитувчisi

лавозимларига танлов эълон қиласи.

Ҳужжатлар (ариза, фотосуратли шахсий ва рақа, таржи-маҳол, олий маълумот, илмий даражаси ва унвонлар ҳақидаги дипломларнинг нусхалари, илмий ишлар рўйхати) ушбу эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой муддат ичиди

**Тошкент шаҳри,
Мустақиллик — 54
манзилида қабул қилинади.
Телефон: 267-65-40**

Ўзбекистон Осиё чемпионатида!

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси 19 ноябрь куни Гонконг терма жамоасини сафарда 2:0 ҳисобида мағлуб этиб, 2015 йил Австралияда ўтказиладиган Осиё чемпионатига йўлланмани муддатидан олдин қўлга киритди.



Ўйинда терма жамоамиз тўлиқ устунлик қилди. Кейинги пайтларда футболчиларимизга қарши ўйинларда ҳимояда ўйнаб, ўзлари учун маъқул натижага эришиб келаётган майдон эгалари кечаги сафар ҳам шундай тарзда ҳаракатланди. Мақсад яна ўша — дурангга эришиб, очко ишлаш бўлган бўлса, ажаб эмас. Аммо гонконгликларнинг ҳимоявий услуби бу гал фақат 80 дақиқагина иш берди. Ўзбекистонлик футбол усталари ўйиннинг

сўнгги ўн дақиқасида мезбонлар дарвозасига иккита тўп йўллади. 83-дақиқада Ислом Тўхтахўжаев жарима майдонига шиддат билан кириб бориб, икки ракибини ортда қолдириб зарба бермокчи бўлди. Бирок тўпни тепишга ундан кўра Вонхид Шодиев қулайроқ позицияда турган эди ва у бў имкониятдан унумли фойдаланди. Зарба ва гол!

Хисоб очилгач, шу пайтгacha вақтни чўзишга мойил бўлиб турган майдон эгалари ҳам озрок жонлан-

Xushxabar
гандай бўлишиди ва бир-икки марта хавфли вазиятни юзага келтиришиди. Бироқ Игнатий Нестеров жароҳат олгач, унинг ўрнини билдириласликка интилаётган дарвозабонимиз Элдорбек Суюнов ишончли ҳаракат қилиб, гонконглик ҳужумчиларга гол уриш имконини бермади.

Ўйин 0:1 ҳисобида якунланадигандек туюларди. Лекин 88-дақиқада Одил Аҳмедов ўйиндаги ўзининг чамаси бешинчи зарбасини йўллади. Ундан аввал гоҳ дарвозабон тўпни қайтарар, гоҳ Одилнинг ўзи мўлжалда адашар, хуллас, терма жамоамиз етакчисига гол уриш насиб этмайроқ турган эди. Интилагга толе ёр, деб шунга айтсалар керак-да, моҳир ярим ҳимоячимизнинг меҳнати ўйин тугашига саноқли дақиқалар колганда ўз самарасини берди. Чап қанотдан узатиб берилган тўпни Аҳмедов дарвозага кучли зарб билан жойлаштириб қўйди. Айтиш мумкинки, Одилнинг бу голидан сўнг стадиондаги муҳлислар ва телевизор орқали ўйинни кузатиб турган миллионлаб юртдошларимиз қалбида жамоамизнинг Осиё чемпионатига чиқиши борасида ҳеч қандай шубҳа колмади.

Терма жамоамиз ўрин олган «Осиё кубоги — 2015» саралаш босқичи «Е» гуруҳидан, шунингдек, Бирлашган Араб Амирликлари терма жамоаси ҳам китъя чемпионатига йўлланма соҳиби бўлди.

Элмурод НИШОНов,
«Turkiston» муҳбири

Маслаҳатсиз иш — келтирадар ташвиш

Кунлар совиши билан айrim хонадонлар кўлбola иситиши мосламаларидан фойдалана бошлайди. Оқибатда турли нохуш ҳолатлар рўй беради.

Бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб бориляпти. Бугунги кунда шахарсозлик нормалари ва қоидаларига асосан, барча хонадонлар ёнфинга

карши деворлар билан ҳимояланган бўлиши талаб этилиб, аҳоли огохлантирилмоқда. Ёнфинга қарши девор бинонинг том қисмидан 60 сантиметр баландликда бўлиши кўзда тутилган. Кўпқа-

ватли уйлар орасида ҳар хил сунъий тўсиқларнинг ўрнатилиши, автомобилларнинг тартибсиз сакланиши ҳам хунук оқибатларга олиб келиши мумкин. Яъни ёнгин содир бўлганда ёнгин ўчириш экипажининг етиб бориш вақтини узайтириш билан бирга, биноларнинг ёниб кетишига, энг ёмони, одамларнинг тан жароҳа-

Mutaxassis ogoh etadi

ти олишига сабаб бўлиши ҳеч гап эмас.

Кишилар кўпқаватли уйлар атрофига ўзларича турли тўсиқларни курмасликлари, бунинг оқибатларини яхши тушуниб олишлари керак. Бу билан ўзларини ҳам, кўшниларини ҳам ўт балосидан асрашга кўмаклашган бўладилар.

Файрат МУТАЛОВ,
ИИВ ёнгин
хавфсизлиги бош
бошқармаси катта
муҳандиси, майор

Nafis tuyg'ular

Саида Насимхонова «Чуст ҳақиқати» газетаси қошида ташкил этилган «Ёш ижодкорлар» тўғараги қатнашчиларига бадиий адабиёт сирларидан сабоқ беради. Шеъриятнинг сеҳрли оламидан завқланиб, ўзи ҳам шеърлар ёзади.

Қуйида ҳавола этиладиган тўртликлардан ташкил топган шеърий гулдастани сиз, муҳлисларга ҳам илиндик.

ЯҲШИЛИК ҚИЛ, ЯҲШИЛИК ~ ЗИЙНАНГ

Ўксиган кўнгилни чўқтирма, кўтар,
Дилларга бехуда етмасин озор.
Умр ўлчовлидир,

утару кетар,
Эзгуликка қул бўл,
бўлма дилозор.

* * *

Буюкдирсан, буюклигинг ҳақиқат,
Ноёб дурсан,
асли нурафшин хилқат.

Фарииштасан, малакдирсан, эй, аёл,
Эзгу тилакларим

сенгадир фақат.

* * *

Ёмон касдан чиқар доим ёмонлик,
Ёмонга ёндашма, сочса ҳамки зар.
Борингдан айрилиб, рангинг сомонек
Бўлиб, афус чекма, деб алҳазар.

* * *

Бошинг кўкка етса улуғликдан гар,
Камтарин бўлгину ҳеч манман бўлма.
Атлас кийганда ҳам ҳар лаҳза, ҳар вақт,
Илк кийганинг — oddий бўзни унумта.

* * *

Соат милларининг чиқ-чиқларига,
Жимгина ўтириб қулоқ тутаман.
Баҳорда не эккан бўлсам, баридан
Кеч кузак чогида ҳосил кутаман.

* * *

Яҳшилик қил, яҳшилик — зийнат,
Эл-юрт учун яшагин ҳар он.
Күёш нур сочади беминнат,
Сен ҳам мурувватли бўл, инсон.

* * *

Борлиққа кўрк бериб келинчаклардай,
Серзавқу сержило баҳор куйлайди.
Худди шуни илҳақ кутиб тургандай,
Севги куртаклари аста гуллайди.

* * *

Аввало, ўзингни ўзинг хурмат қил,
Қадрингни хор қилиб урмагин ерга.
Бироқ ўзингни эр, ўзгани шер бил,
Камтарлигу мардлик фазилат сенга.

* * *

Муҳаббат гўё бир баҳт ҳазинаси,
Ошиқ бўлганларнинг узун кўллари,
Ва лек равон эмас ҳаёт ўйлари,
Ўзига яраша бор сўқмоқлари.

Саида НАСИМХОНОВА

Turkiston

7



Энг қиммат арча

Япониянинг Токио шаҳрида нархи 500 миллион иена (беш миллион АҚШ доллари)лик янги йил арчаси ясалди.

Арча олтин ва олмослар билан безатилган. «Tanaka Kikinzoku» компанияси томонидан ясалган арчада Винни Пух, Микки Маус каби тилладан ясалган ўйинчоқлар ҳам мавжуд. Янги йил арчасининг чироқлари ҳам маҳсус буюртма асосида ясалди. Бўйи 2,4 метр, оғирлиги 43 килограмм бўлган бу арча йил сўнгидага савдога чиқарилиши маълум қилинди.

Баривир футболчи-да

«Манчестер Юнайтед» футбол клубининг собиқ бош мураббийи Алекс Фергюсоннинг «Менинг таржимаи ҳолим» деб номланган китобидан ўқувчилар қирқ бешта хато топди.

Китобни чоп этган нашриёт бу хатоларга муаллифнинг ўзи ҳам қисман айбдорлигини, хоҳловчилар китобни қайтарса, пули қайтариб берилишини маълум қилган. Хатолар, асосан, саналар билан боғлиқ. Масалан, китобда Райан Гигзнинг учрашувдаги дебюти 16 ёшда бўлган, деб ёзилган. Аслида, 17 ёшида Гигз жамоа сафида майдонга тушган. Яп Стамни «Рома»га сотилган, деб хато ёзган ҳам Фергюсоннинг ўзи. Аслида, Стамни «Лацио»га сотилган эди. 22 октябрда сотувга чиқарилган китоб бир ҳафтада 115 минг 547 дона сотилиб, бестселлер бўлиб кетган эди.

Ажабтовур қарздорлик

Норвегияда ижарага бериладиган қабр тошлари пули тўланмагани учун, мармар тош устига қора матодан бўлган қоп кийгизиб кетила бошланди.

Қоп устига мархумнинг яқинлари тўлаши керак бўлган сумма кўрсатилган. Қоп маҳсус ип билан чирмаб ташлангани боис, уни ечиш осонмас. Ёдгорлик тошларни ижарага берувчи фирмалар сўзига кўра, фақат шу йўсинда қарзларни ундириб олиш мумкин. Норвегия қабристонларидан баязи мижозларнинг йигирма ийлил қарзи ҳам мавжуд. Мамлакатда дафн маросимидан кейин 25 йилгача қабртошлар текинга тақдим этилади. Муддат тугагандан кейин иилига 518 Норвегия крони (тахминан 84 АҚШ доллари) ижара пули тўланади. Мамлакатдаги Берген университети профессори Тор Ойвен Йенсен бунга қарши чиқиб, номақбул лойиха, деб баҳолади. Хукуматдан бунга чек кийишни талаб қилди.

Хавфсизлик барчасидан муҳим

Швециядага жойлашган «Ice Hotel» муз меҳмонхонасига ёнфинга қарши сигнализация сигналлади.

Меҳмонхона тўлиқ муздан қурилган. Шу вақтга қадар ёнгин муаммоси чиқмаган. Бироқ меҳмонхонада тез ёнувчи, ёнишга мойиллиги бирмунча юқори бўлган мато ва буюмлар талайгина. Шу сабаб ёнгин хавфсизлиги хизмати мурожаати билан меҳмонхона тез орада ўт ўчириш ускунлари билан таъминланади. Меҳмонхона ҳар йили 6 декабрдан 13 апрелга қадар сайёхлар ихтиёрида бўлади. Муз меҳмонхонанинг бир хонаси ижара пули 368 АҚШ долларидан 1452 АҚШ долларига қадар белгиланган.

Интернет манбалари асосида
Жавохир КАРОМАТОВ тайёрлади



Сайидамирхон Бузрукхонов 2-синфда ўқииди. Мана, иккى ийлдирки, пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги «Баркамол авлод» болалар ижодиёти марказида бадиий кулоллик ва ҳайкалтарошлиқ сирларини ўрганмоқда.

— Устозимиз Ашурмуҳаммад Мамасолиев билгандарини биз, ёшларга ўргатишдан сира чарчамайди,

— дейди Сайидамирхон. — Шунинг учун ҳар бир машгулотни қўнт билан ўрганишга, берилган вазифаларни сидқидилдан бажаришга ҳаракат қиласиз.

СУРАТДА: С.Бузрукхонов ўзи ясаган кулоллик намуналари билан.

Сардор МУЛЛАЖНОВ фотоловҳаси

Kalʼyulskop

АЖДОДЛАР МЕРОСИНИ ЎРГАНАМИЗ

Хоразмий номини эшигандага хаёлимизга жуда кўп машҳур олим узбекистонликлар, шоири адиблар келади. Алгебрага асос солган Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий, ўнинчи асрда яшаб ижод қилган мутафаккир шоир Абу Бақр Хоразмий, яна шу тахаллус билан ижод қилган бошқа шоири адиблар... Улар орасида яна бир машҳур ном бор: у — ўзи яшаган ўнинчи асрнинг энг пешқадам олимларидан бири Абу Абдуллоҳ Хоразмийдир.

Бу улуғ ватандошимиз умри мобайнида кўплаб асарлар битган бўлса-да, бизгача етиб келган ягона асари «Мафотиҳул-улум» — «Илмлар калитлари»дир. Бу асар унинг табиий ва аниқ фанларни пухта билгани, ўзига хос фалсафий қарашларга эга етук олим бўлганини кўрсатиб туради. Мазкур қомусий асар ўз даврининг асосий фан соҳаларини ўз ичига қамраб олгани ҳам олимнинг етук салоҳиятидан дарак беради.

НАҚ СПОРТ МАШИНАСИ!

Жоноворлар ичидаги энг тез югурдигани қайси? Гепард. Бу йиртқич соатига 115 километр тезлиқда чопа олади. Энг ҳайратланарлариси, бу унинг бошланғич тезлиги. Ўқиб, ў, бу «Феррари»дан ҳам тез эканку, дейсиз. Гепард 2 секунд ичидаги тезлигини 75 километр/соатга етказа олади.

YON DAFTARCHANGIZGA

Заргар фирибгар бўлса, олтин занлар.

Ўзбек ҳалқ мақоли

МУАССИС:

«КАМОЛОТ»

ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Газета Ўзбекистон
Республикаси
Матбуот ва ахборот
агентлигига 2007
йил 19 апрелда
№ 0242 рақам
билингвальдадан
ўтган.



ISSN 2010-6998

Бош муҳаррир:

Ашурев Салим Тўраевич

Таҳир ҳайъати:

Баҳодир Фаниев, Мехриздин Шукуров (бош муҳаррир ўринбосари — «Turkiston»), Элмурод Нишонов (масъул котиб — «Turkiston»), Ирина Кочергина (бош муҳаррир ўринбосари — «Молодежь Узбекистана»), Елена Калинина (масъул котиб — «Молодежь Узбекистана»), Рустам Қосимов

Навбатчи муҳаррир:

Юсупов
Рустам

Кўчкорович

Саҳифаловчи:

Рўзиев
Зафар
Хусанович

Газета таҳририят компютер
марказида терилди ва
саҳифаланди.

Манзилимиз: 100083, Тошкент,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:
(371) 233-95-97. (371) 233-79-69
e-mail: info@turkiston.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида, А-3 форматда
чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчи, 41.

Индекслар: 203, 3203
Баҳоси келишилган нарҳда.

Буюртма Г-1143.
Адади — 8021

Босиша топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 21.40
ЎЗА якуни — 21.30

Офсет усулида босилган.



Ҳамюртимииз муваффақияти

Хитойнинг Шанхай, Нанкин, Фучжоу шаҳарларида ўтказилган велопойга мусобақалари ўз ниҳоясига етди.

Мусобақада юртимииз шарафини Руслан Каримов, Вадим Шайхов, Владимир Тўйчиев, Глеб Горбачёв, Юсуф Абреков каби терма жамоамиз вакиллари (мураббий Владислав Искандаров) муносиб ҳимоя қилишди. Уч босқичда ўтказилган «Tour of Fuzhou» пойгасида бир неча ҳалқаро мусобақалар голиби, ҳамюртимииз Руслан Каримов биринчи босқичда учинчи ўрин ва учинчи босқичда иккинчи ўринни қўлга киритди.

Автопойга ғолиблари

Пскентда автомобиль ҳалқа пойгаси бўйича Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди.

«Жанубий» автополигонда бўлган мусобақада қирқ нафар спортчи иштирок этди. Пойга уч турда — А-8-1600, А-9-2000 ҳажмли ва миллий автомобиллар ўртасида бўлиб ўтди. Қизғин кечган баҳсларда Рустам Маматкулов, Жаҳонгир Ёрматов ва Рустам Муҳамедовнинг қўли баланд келди. Голиблар ва мусобақа иштирокчилари эсадалик совфалар билан тақдирланди.

Жавоҳир КАРОМАТОВ,
«Turkiston» мухбири



Шоҳсанам ўзига маъқул ишни топди

Қарши шаҳридаги «Болалар» маданият ва истироҳат бўғида Қарши шаҳар ҳокимлиги, шаҳар прокуратуруси, шаҳар ички ишлар бўлими ҳамда шаҳар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамкорлигига бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Унда саноат ва кичик бизнес корхоналари, тикувчилик, тўқув ва кийим-кечак фабрикалари ҳамда қатор нодавлат ва нотижорат ташкилотлар вакиллари ёшларни ўз бўш иш ўринлари билан таништирилар.

— Бизнинг юздан ортиқ ишчига эҳтиёжимиз бор, — деди Қарши шаҳридаги «Cotton Road» МЧЖ шаклидаги Ўзбекистон — АҚШ қўшма корхонаси ходими

Руслан Бердиев. — Ишга қабул қилинган ёшлар ўз қобилиятига қараб, корхона миздаги ип йигирив, тўқув, трикотаж ҳамда бўёқ ва пар дозлаш, шунингдек, тикув

цехларига йўналтирилади. Ип йигиривчи, механик, мастер, дастгоҳ тозаловчи, оператор, тикувчи, бичувчи ва дастгоҳларни бошқарувчи мутахассислар керак. Ҳозирча бир неча ёш мутахассис билан келишувга эришди.

Ишлайман, деганга ҳамма жойда иш топилади. Ҳуш, тенгдошларимизнинг фикри қандай? Улар иш танлашда қайси мезонларга таянишмоқда?

— Тикувчилик касбига қизиқаман, — деди касбхунар коллэжи битириувчиси Шоҳсанам Шаҳиддинова. — Ишга жойлашишда, албатта, мен учун биринчи галда ўзимнинг қай даражада

Киммат-бахо тош тури	«Кавказ...си/б/ф	Онг, шуур	Очун, дунё	Томок, кекир-дак	Христо-фор...сайёх	АКШ валю-таси	Бўйи па-ст, лилипут
Москва-лик ахоли	↓ ↘		Қатар пойтакти	↗	Орзуҳавас	Ушбу, шу	↗
		Адолат (қисқача)	↓	Сабур	Хайф, натиха-сиз	Юқ автоси	... сонда
Тилла, кумуш	↗			Бармок тақинчи-фи	↓	Бильярд тешиги	Хилоф, қарама-қарши
Ўғил бола исми	→	Жилға, дарё, манбаси	Хўл мёва тури	↑	Ини (шевада)	→	Күш уяси, ошён

Тузувчи: Фахридин Раҳимов

Ақбарали
ХУДОЙБЕРДИЕВ



МУАССИС:

«КАМОЛОТ»

ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Газета Ўзбекистон
Республикаси
Матбуот ва ахборот
агентлигига 2007
йил 19 апрелда
№ 0242 рақам
билингвальдадан
ўтган.



ISSN 2010-6998

Бош муҳаррир:

Ашурев Салим Тўраевич

Таҳир ҳайъати:

Баҳодир Фаниев, Мехриздин Шукуров (бош муҳаррир ўринбосари — «Turkiston»), Элмурод Нишонов (масъул котиб — «Turkiston»), Ирина Кочергина (бош муҳаррир ўринбосари — «Молодежь Узбекистана»), Елена Калинина (масъул котиб — «Молодежь Узбекистана»), Рустам Қосимов

Навбатчи муҳаррир:

Юсупов
Рустам

Кўчкорович

Саҳифаловчи:

Рўзиев
Зафар
Хусанович

Газета таҳририят компютер
марказида терилди ва
саҳифаланди.

Манзилимиз: 100083, Тошкент,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:
(371) 233-95-97. (371) 233-79-69
e-mail: info@turkiston.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида, А-3 форматда
чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчи, 41.

Индекслар: 203, 3203
Баҳоси келишилган нарҳда.

Буюртма Г-1143.
Адади — 8021

Босиша топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 21.40
ЎЗА якуни — 21.30

Офсет усулида босилган.

1 2 3 4 5 6